

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САНОЕВ БАХТИЁР АБДУРАСУЛОВИЧ

**ЙЎЛДОШ ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ ТУРЛИ ФОРМАЛАРИНИ
ПАТОЛОГОАНАТОМИК ТАШХИСЛАШ**

14.00.15 - Патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Саноев Бахтиёр Абдурасулович

Йўлдош етишмовчилигининг турли формаларини
патологоанатомик ташхислаш 3

Саноев Бахтиёр Абдурасулович

Патологоанатомическая диагностика различных форм
плацентарной недостаточности..... 23

Sanoev Bakhtiyor Abdurasulovich

Pathoanatomic diagnostics of various forms of placental
insufficiency..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САНОЕВ БАХТИЁР АБДУРАСУЛОВИЧ

**ЙЎЛДОШ ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ ТУРЛИ ФОРМАЛАРИНИ
ПАТОЛОГОАНАТОМИК ТАШХИСЛАШ**

14.00.15 - Патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1201 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Исроилов Ражаббой тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий аппонентлар:	Турсунов Хасан Зияевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Рузиев Шерзод Ибодуллаевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Форобий кўчаси 2-уй.Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta 2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Форобий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона.Тел./факс: (99878) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди (2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Р.Дж. Усманов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Барча сут эмизувчиларда, жумладан, инсонларда ҳам йўлдош оралик аъзо бўлиб, у она организми орқали мавжуд ферментлар ёрдамида ҳомила организмида моддалар алмашинувини таъминлайди, яъни ҳомилага кислород ва барча озуқа моддалар она қони орқали бориб туради, «...йўлдош она организмида ҳомиладорлик пайти алоҳида провизор аъзо сифатида пайдо бўлиб, унинг такомил топиши ва касалланиши она организмидаги мавжуд хасталикларга боғлиқ ҳолда юзага чиқади...»¹. Йўлдош етишмовчилиги (ЙЕ) - йўлдошнинг морфофункционал ўзгаришларига асосланган синдром бўлиб, авж олганда ҳомиланинг ўсиши секинлашади ва гипоксия ривожланади. Шу сабабли аёлларда ҳомиладорлик давридаги йўлдош етишмовчилигининг турли формаларини ташхислашни такомиллаштириш замонавий патоморфологиянинг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда йўлдош етишмовчилигининг турли формаларини патологанатомик ташхислашни такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада назорат гуруҳи сифатида олинган ой-қуни етиб туғилган йўлдош сўрғичларининг гистотопографик ва морфометрик ҳолати, бирламчи йўлдош етишмовчилигининг патоморфологик ўзгаришлар ва морфометрик кўрсаткичлари, иккиламчи йўлдош етишмовчилигининг патоморфологик ва морфометрик кўрсаткичлари, йўлдошнинг бирламчи ва иккиламчи етишмовчилигининг хос морфологик ўзгаришлар ҳамда морфометрик кўрсаткичлари асосида йўлдош етишмовчилиги ҳолатини баҳолашда фойдаланиладиган алгоритм яратишга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатдан, жумладан, турли касалликлар натижасида юзага келадиган аёлларнинг гинекологик касалликларни самарали ташхислаш, даволаш ва жарроҳлик амалиёти асоратларини олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда аёлларда учрайдиган турли касалликлар оқибатида ҳомиладорлик даврида ва ундан кейинги йўлдош етишмовчилигининг турли формаларини патологанатомик ташхислашни оптималлаштириш орқали

¹ Wardinger JE, Ambati S. Placental Insufficiency. [Updated 2020 Oct 7]. In: StatPearls [Internet]. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2020 Jan-. Available from: <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/books/NBK563171/>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

самарадорлигини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги ўн йил ичида йўлдошда учрайдиган патологиялар ва уларнинг оқибатида ҳомиланинг она қорнида ўсишдан орқада қолиши ҳақидаги тушунчалар ривожланган (Kingdom J.C., Audette M.C., Hobson S.R., et. al. 2017). Бу соҳадаги ютуқларнинг асосий сабабчиси сифатида Human Placenta Project лойиҳасини ташкил этилгани ва соғлиқни сақлаш миллий институтининг молиявий кўмаги асосида касалликлар патогенези ҳақида янги маълумотлар олинганлиги, беморларни даволашда яхши натижаларга эришилганлигини таъкидлаш мумкин (Flenady V., Wojcieszek A., Middleton P., et. al., 2016). Йўлдош патологиясининг аксарият турлари, клиник симптомларсиз кечиши ва фақатгина туғруқдан кейинги белгилари орқали намоён бўлиши билан боғлиқлиги исботланган (Ptacek I., Sebire N.J., Man J.A., et. al., 2014). Бугунги кунда қатор изланувчилар томонидан ҳомиладорлик учун ўтказиладиган тестларнинг юқори даражада тўғрилигини аниқловчи скрининг тадқиқотлар самарадорлигини баҳолаш зарурлиги исботланган (Gaccioli F., Sovio U., Cook E., et. al 2018). Бинобарин, бачадон-йўлдош тизимининг қон билан таъминланиши қон оқимида боғлиқ бўлиб, она организмида гипотензия ҳолати кузатилмаганда барқарордир, «Децидуал васкулопатия» (Staff AC, Dechend R., Redman CWG, 2013) гистопатологик термини сўрғичсиз трофобластларнинг тўлиқсиз, чала инвазияланиши (Reister F., Frank HG, Kingdom JC, et., 2001) оқибатида спирал артерия тармоқларининг нотўғри жойланишига ва унинг оқибатида юзага чиқадиган тўлиқ трансформацияланмаган қон томирларнинг фибриноид некрозга учраб атероз бўлиши натижасида қон томирларни торайиб қолиши ва окклюзион тромбозларни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу зарарланган қон-томирлар юқори босимли қон оқимини юзага келтириши натижасида йўлдошда ишемия-реперфузия,

тўқима архитектурасининг бузилиши, сўрғичларнинг ўчоқли инфарктларига олиб келади (Fitzgerald B., Shannon P., Kingdom J., et. al, 2011), баъзи ҳолатларда бачадондан қон кетиши ва меъёрий жойлашган йўлдошни эрта бачадон деворидан ажралишига олиб келади (Neville G., Russell N., O'Donoghue K., et. al., 2019).

Маҳаллий тадқиқотчилар томонидан меъёрий даражада жойлашган йўлдошнинг бачадон деворидан эрта кўчишида бачадон-йўлдош комплексидаги морфологик ўзгаришлар баҳоланган (Магруппов Б.А., Кхваджа С., 1987), шунингдек, сифилис билан хасталанган ҳомиладор аёлларнинг йўлдошини морфофункционал ҳолати ёритиб берилган (Реймназарова Г.М., Магруппов Б.А., 2000), преэклампсияда плацентадаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар (Бобоев. Х., Исраилов Р.И., 2008), активогеннинг плацентар етишмовчиликдаги таъсири (Каримова Н., 2005) каби илмий тадқиқот ишлари бажарилган, бироқ йўлдош етишмовчилигининг турли формаларини патологоанатомик ташхислаш ишлари бажарилмаган.

Йўлдош касалликлари ҳақида юқорида келтирилган маълумотлар мавжуд бўлгани билан, йўлдошнинг бирламчи ва иккиламчи етишмовчилигидаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари ҳақида маълумотлар етарли эмас. Демак, ушбу ишда юқорида кўрсатилган, ҳали адабиётларда етишмайдиган муҳим маълумотларни тўлдиришдан иборат долзарб вазифаларнинг ечимини топиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 « Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади йўлдош етишмовчилигининг бирламчи ва иккиламчи формаларининг морфологик белги ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

назорат гуруҳи сифатида олинган ой-куни етиб туғилган йўлдош сўрғичларининг гистотопографик ва морфометрик ҳолатини баҳолаш;

бирламчи йўлдош етишмовчилигининг патоморфологик ўзгаришлари ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

иккиламчи йўлдош етишмовчилигининг патоморфологик ўзгаришлари ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

назорат гуруҳи, йўлдошнинг бирламчи ва иккиламчи етишмовчилигининг хос морфологик ўзгаришлари, морфометрик кўрсаткичлари асосида йўлдош етишмовчилиги ҳолатини баҳолашда фойдаланиладиган алгоритм яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика патологоанатомик маркази ва Бухоро вилоят патологик анатомия бюросида 2015-2019 йилларда текширувдан ўтказилган йўлдошлар ва улар орасидан бирламчи ва иккиламчи етишмовчиликлар ташхисланган йўлдошлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб йўлдошнинг бирламчи ва иккиламчи етишмовчилиги ҳолатида ҳомилага кислород ва озик моддалари билан таъминланишни бузилиши натижасида юзага келадиган патоморфологик ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда микроскопик, гистокимёвий, морфометрик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

патологик ўзгаришсиз туғилган йўлдош гистотопографияси, структур бирликлари ва улардаги инвалютив ўзгаришларнинг динамикада ўзига хос тузилишлари ва морфометрик кўрсаткичларининг математик модели яратилган;

йўлдошнинг бирламчи етишмаслигида йўлдош структур бирликларида табақалашмаган, эмбрионал тузилишдаги, тўлиқ ривожланмаган, тартибсиз жойлашган ва аралаш таркибли сўрғичлар мавжудлигидан бачадонга бирикиши, котеледонлар ва сўрғичлар аномалияси ва васкуляризацияси бузилган гипоплазия ва дисплазия кузатилиши исботланган;

иккиламчи йўлдош етишмаслиги патогенези сифатида бачадон-йўлдош қон айланишининг бузилиши, йўлдошда инфаркт, сўрғичлар тўлақонлиги, фибриноиднинг кўплиги, амнион пардалар ва йўлдош сўрғичларининг яллиғланиши оқибатида терминал сўрғичлар стромаси такомил топмаган, капиллярлари кам, синцитиокапилляр тўсиқ пайдо бўлмаган, трофобластлар дистрофия ҳолатда, Кашенко–Гофбауэр макрофаглари сақланиб қолганлиги исботланган;

йўлдош структур бирликларининг миқдорий кўрсаткичлари асосида бирламчи ва иккиламчи йўлдош етишмовчилигининг математик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

йўлдошнинг меъёрий ҳолати, бирламчи ва иккиламчи етишмовчилигида анатомик, топографик, гистологик ва морфометрик кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар янги туғилган чақалоқлар физиологик, клиник-лаборатор ҳолатини баҳолашда самарадорлиги аниқланган;

йўлдошнинг бирламчи етишмовчилигида структур бирликларининг гипоплазия, дисплазия, патологик шаклланиши, тузилиши, жойланиши, бачадонга бирикиши, котеледонлар ва сўрғичлар аномалияси ва васкуляризацияси бузилиши билан давом этадиган патологик табақалашмаган йўлдошни аниқлаш чақалоқларнинг чала туғилиши, ривожланишдан орқада қолиш ҳолатларини баҳолашдаги аҳамияти кўрсатилган;

бачадон-йўлдош қон айланишининг бузилиши, йўлдошда инфаркт, сўрғичлар тўлақонлиги, фибриноиднинг кўплиги, амнион пардалари ва

йўлдош сўрғичларининг яллиғланиши тўғрисидаги маълумотлар ҳомиладорликнинг узилиш хавфи, ҳомила ривожланишининг орқада қолиши ва чала туғилишини башоратлашда амалий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бир-бирини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, гистологик ва статистик текширув усуллари асосида йўлдош етишмовчилигининг турли формаларини патологоанатомик ташхислашнинг ўзига хослиги, натижаларнинг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бирламчи йўлдош етишмовчилигини ташхислаш, йўлдошнинг бирламчи етишмовчилигида йўлдошнинг структуравий бирликларининг гипоплазия, дисплазия, патологик шаклланиши билан, йўлдошнинг тузилиши, жойлашуви, бачадонга бирикиши, котеледонлар ва сўрғичлар аномалияси ва васкуляризацияси бузилиши, патологик табақалашмаган йўлдош кўринишида намоён бўлиши ва эмбрионал сўрғичлар сақланиб қолиши, тўлиқ ривожланмаган сўрғичлар, склерозланиб, тартибсиз жойлашган сўрғичлар ва аралаш таркибли шакллари қайд қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижасининг амалий аҳамияти иккиламчи йўлдош етишмовчилиги патогенези сифатида бачадон-йўлдош қон айланишининг бузилиши, йўлдошда инфаркт, сўрғичлар тўлақонлиги, фибриноиднинг кўплиги, амнион пардалари ва йўлдош сўрғичларининг яллиғланиши оқибатида, ҳомиладорликнинг узилиш хавфи, клиник жиҳатдан ҳомила ривожланишининг орқада қолиши очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниш. Йўлдош етишмовчилигининг турли формаларини патологоанатомик ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аёлларда ҳомиладорлик турли босқичларида йўлдош етишмовчилигининг турли шаклларида юзага келадиган ўзгаришларни самарали ташхислаш бўйича «Йўлдош етишмовчилигини патоморфологик ўзгаришларига қараб аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-р/402-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ҳомиладорликнинг турли даврларида юзага келадиган йўлдошнинг бирламчи ва иккиламчи етишмовчилиги натижасида юзага келадиган патологик ҳолатларни ўз вақтида баҳолаш, унинг асоратларини олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқиш имконини берган;

йўлдош етишмовчилигининг турли формаларини патологоанатомик ташхислаш асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига,

жумладан, Республика патологик анатомия маркази, Қорақолпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятлари патологик анатомия бюрolari, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси ҳамда Бухоро вилоят перинатал марказлари клиник амалиётига тадқиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 январдаги 8н-з/24-сон маълумотномаси). Натижада, йўлдошнинг бирламчи етишмовчилигида йўлдош структур бирликларининг гипоплазия, дисплазия, патологик шаклланиши билан йўлдошнинг тузилиши, жойлашуви, бачадонга бирикиши, котеледонлар ва сўрғичлар аномалияси ва васкуляризацияси бузилиши, патологик табақалашмаган йўлдош кўринишида намоён бўлиши ва эмбрионал сўрғичлар сақланиб қолиши, тўлиқ ривожланмаган сўрғичлар, склерозланиб, хаотик жойлашган сўрғичлар ва аралаш таркибли шаклларни асослаш тартибини жорий қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Йўлдошнинг шаклланиши, тузилиши, бирламчи ва иккиламчи етишмовчилигининг хос морфологик белгиларига оид замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий илмий манбалар таҳлили келтирилган. Йўлдошнинг эмбриогенези, шаклланиши, табақаланиши, хомиладорликнинг эндокрин бошқарилиши, йўлдошнинг меъерий морфофункционал ҳолати, йўлдош етишмовчилиги ҳақида тушунча, унинг турлари, сабаблари, патогенези ва патоморфологик ўзгаришлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Йўлдош етишмовчилигининг турли формаларини патологоанатомик таххислашнинг материал ва усуллари» деб номланган иккинчи боби материаллар ва тадқиқот усулларининг баёнига бағишланган. Мақсадга эришиш учун анамнезида бирламчи йўлдош етишмовчилигига олиб келадиган сабаблар қайд этилган 34 нафар туққан аёл ҳамда йўлдош тўқимаси ва анамнезида иккиламчи йўлдош етишмовчилигига олиб келадиган сабаблари мавжуд 124 нафар туққан аёл йўлдош тўқимаси морфологик жихатдан ўрганилди. Материал 2015 йилдан 2019 йиллар орасида Республика патологик анатомия маркази (РПАМ) биопсия бўлими амалиётида, Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси туғруқхонасидан, Бухоро вилоят перинатал марказидан олиб келинган йўлдошларни макро- ва микроскопик жихатдан ўрганиш жараёнида йиғилди. Ажратиб олинган йўлдошлар тегишли аёлларнинг касаллик ҳамда туғруқ тарихи маълумотлари ўрганилиб, йўлдош етишмовчилигига тааллуқли клиник белгилар асосида касалликнинг қуйидаги шакллари, яъни бирламчи ва иккиламчи йўлдош етишмовчилиги фарқланди. Йўлдошларнинг ташқи кўриниши диққат билан ўрганилиб, шакли, ранги, бачадондан ажралган юзаси, ундаги мавжуд патологик ўзгаришлар, яъни фибриноид, қон қуйилиши, инфаркт, тромбоз, кальциноз ва кисталар аниқланди. Оғирлиги ўлчанди, туғилган бола оғирлигига нисбатан коэффиценти топилди, диаметри, марказидан бошлаб четигача учта жойида қалинлиги ўлчанди. Гистологик текширувга олинган тўқима бўлакчаларига одатий усулда ишлов берилиб, парафинли ғиштчалардан 5-8 мкм қалинликдаги кесмалар тайёрланди. Гематоксилин-эозин, Ван-Гизон ва ШИК усулларида бўялди, ярим юпқа кесмалар эса толуидин кўкида бўялиб, «Лейка» фирмасининг ёруғлик микроскопида ўрганилди. Йўлдошни морфометрик жихатдан ўрганиш учун, дастлаб, унинг диаметри ўлчаниб, оналик юзаси $S = \pi \times d^2 / 4$ формулада ҳисобланди.

Йўлдош структур бирликларининг эгаллаган майдони Г.Г.Автандиловнинг «кўп нуқтали тест» тизимидан фойдаланиб ҳисобланди, яъни тест тизимдаги 200 та нуқтадан нечтаси йўлдошнинг барча структур тузилмаларига тўғри келиши, улардан, ҳар бир ўзгаришига қанча нуқталарнинг тўғри келиши алоҳида-алоҳида саналди. Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси юқори бўлиши учун ҳар бир гуруҳда гистологик препаратларнинг 10 тадан объекти танлаб олинди. Нуқталарни санашда гистологик препаратдан микроскоп объектини суриб 10та майдон танланди ва нуқталар саналди. Маълумки, Автандиловнинг «кўп нуқтали тест»ида нуқталари гистологик кесманинг юзасида тасодифийлик билан тақсимланган ва ҳисобланадиган структур бирликка тўғри келадиган нуқталар V_v ҳажмга ва майдонга тенг. Бу эса эҳтимоллик назарияси мезонларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Қўлга киритилган маълумотлар асосида ҳисобланаётган структур бирликлар ҳар бирининг айнан шу тўқимадаги эгаллаган майдони ёки ҳажми ҳисобланади. Агар тўқимадаги барча структур бирликлар эгаллаган майдон 100% деб олинса, V_v ҳажм орқали ҳар бир структур бирликнинг


майдони бир нуктанинг текшириладиган структур бирликка тушиш қоидаси орқали P эҳтимоллик бирлиги куйидаги формула орқали ҳисобланади. Даствлаб, йўлдош тўқимаси таркибидаги асосий тузилмалар ва иккиламчи компенсатор ўзгаришлар майдони ҳисобланади: $P_{\text{ўзс}}$ – ўзак сўрғичлар; $P_{\text{тс}}$ – терминал сўрғичлар; $P_{\text{об}}$ – оралик бўшлиқ; $P_{\text{иў}}$ – иккиламчи патологик ва инвалютив ўзгаришларга тўғри келган нукталар саналади. Кейинги навбатда 3та гуруҳ бўйича терминал сўрғичлар таркибида учрайдиган структур ўзгаришлар алоҳида-алоҳида ҳисобланади: $P_{\text{к5с}}$ – капиллярлари 5та ва ундан кўп терминал сўрғичлар; $P_{\text{к3с}}$ – капиллярлари 3тадан кам терминал сўрғичлар; $P_{\text{кйўкс}}$ – капиллярлари йўқ терминал сўрғичлар; $P_{\text{ттс}}$ – табақалашмаган терминал сўрғичлар; $P_{\text{скл}}$ – склерозланган терминал сўрғичларга тўғри келган нукталар саналади. Ҳар бир структур тузилманинг майдони ушбу формулада $V = V_v / 100$ ва унинг абсолют хатолиги ушбу формулада аниқланади: $\varepsilon = t \sqrt{V_v (100 - V_v) / z}$. Қўлга киритилган морфометрик маълумотларнинг ишончлилик даражаси Стьюдентнинг t -мезони орқали баҳоланади.

Диссертациянинг «Йўлдошнинг меъёрий кўрсаткичларини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида даствлаб, меъёрда кечган ҳомиладорликда йўлдошнинг морфологик ва морфометрик хусусиятлари, ундан сўнг назорат гуруҳига киритилган йўлдошнинг меъёрий анатомик ўлчамлари, гистологик ўзига хос белгилари, яъни йўлдош сўрғичларининг қопловчи трофобластлари, гемато-трофобластли тўсиғи, строма ва қон томирлари ҳамда инвалютив ўзгаришлар ҳақида маълумотлар ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатдики, йўлдошнинг шакли, асосан, думалоқ, диаметри ўртача 22,3см, оғирлиги ўртача 612,6 грамм, қалинлиги чет қисмида 1,8 см, ўрта қисмида 4,6 см.гача, ўртача – 3,6 см, оналик юзаси деярли бир хил катталиқдаги бўлакчалардан иборат, майдони ўртача – $390,4 \pm 24,6$ см², тўқимаси юмшоқ-эластик консистенцияли, кўпинча, оч-кизил рангда. Туғилган чақалоқларнинг оғирлиги ўртача 3286 ± 85 грамм, йўлдош/ҳоилага индекси 0,186 ни ташкил қилди, яъни чақалоқнинг 1грамм оғирлигига 0,186 грамм йўлдош тўқимаси тўғри келиши тасдиқланди. Йўлдош тўқимасини гистометрия текширувида аниқландики, энг кўп майдонни, яъни 50,8% ни терминал сўрғичлар, 16,0% ўзак сўрғичлар, 21,8% майдонни оралик бўшлиқ эгаллар экан. Терминал сўрғичлар орасида 5та ва ундан кўп капиллярли сўрғичлар $67,5 \pm 7,2\%$ ($P \leq 0,01$), 5 тадан кам капиллярли сўрғичлар $21,7 \pm 2,3\%$, капиллярсизлари $-10,8 \pm 0,8\%$ ни эгаллаганлиги аниқ бўлди. Морфологик жиҳатдан йўлдошнинг терминал сўрғичлари аксарият ҳолларда бир хил тузилишга эга, таркибидаги капиллярлар сони етарли, юпқа деворли, қон билан таъминланиши яхши, юзасидаги трофобластлари бир қаватли юпқа, гемато-трофобластли чегаралар пайдо қилган (1-расмга қаранг), таркибида иккиламчи инвалютив ўзгаришлар бор-йўғи 10,4 % майдонни эгаллаганлиги аниқланди.



**1-расм. Гемато-трофобласт чегаранинг ярим юпқа кесмада кўриниши.
Бўёк: толуидин кўки. X: 10x90**


Йўлдош тўқимасида инвалютив ва компенсатор ўзгаришлар икки хил турда, яъни томирлар ва ҳужайраларнинг компенсатор ўзгаришлари кўринишида ривожланади. Томирларга боғлиқ ҳолда ривожланган компенсатор ўзгаришлар қуйидагича, яъни терминал сўрғичлар сони ва уларда капиллярлар сонининг кўпайиши, гиперемия пайдо бўлиши, терминал сўрғичлар орасида 5 та ва ундан кўп капиллярлар ушлаганларининг сони ошганлиги, томирларнинг тўлақонлиги, айниқса, гематотрофобласт тўсиқ пайдо қиладиган томирларнинг кенгайиши кузатилди. Ушбу ўзгаришлар йўлдош тўқимасини ярим юпқа кесмада кўриб ўрганилганда яхши кўринади. Бунда аниқланадики, битта терминал сўрғич стромасида 10 тагача капиллярлар пайдо бўлганлиги (2-расмга қаранг), улардан деярли ярми четга сурилиб, гематотрофобласт чегарани пайдо қилганлиги аниқланади.



**2-расм. Терминал сўрғичлар стромасида капиллярлар сонининг 2 баробар кўпайиши, юзасида трофобластларнинг бир қатор бўлиб жойланиши.
Бўёк: толуидин кўки. X: 10x90**

Диссертациянинг «Бирламчи йўлдош етишмовчилигининг морфологияси ва морфометрияси» деб номланган тўртинчи боби иккита


кичик бобдан иборат. Биринчиси «**Бирламчи йўлдош етишмовчилигига хос патоморфологик ўзгаришлар**»ни ўз ичига олган ва морфологик жиҳатдан 4 хил кўринишда учраши кузатилган: эмбрионал сўрғичлар сақланиб қолиш тури; тўлиқ ривожланмаган оралик формадаги сўрғичлар пайдо бўлиши; склерозланиб, хаотик жойлашган сўрғичлар; таркибий қисми аралаш, яъни диссоциацияланган. Эмбрионал сўрғичлар сақланиб қолиш тури эмбриогенезнинг эрта даврларида йўлдош етилишининг тўхташи оқибатида ривожланади. Бундай сўрғичлар стромаси нозик, етилмаган, кам такомил топган бириктирувчи тўқимали тузилмалардан ташкил топганлиги аниқланади. Қон томирлари ҳар хил катталиқда, асосан, сўрғичнинг ўрта қисмида жойлашган, гематотрофобласт барьерлари ташкил топмаган. Бириктирувчи тўқимали стромаси ҳам тартибсиз тузилишга эга, ундаги ёш хужайралар бир жойда кўп тўпланган бўлса, бошқа жойларида сийрак ҳолда ўрин эгаллаганлиги кузатилади (3-расмга қаранг). Сўрғичлар юзасидаги трофобластлар ҳам яхши ривожланмаган, яъни айрим соҳаларида призматик кўринишда, бошқа соҳаларида яссиланган, ядролари ҳам турли хил даражада гиперхромазияга эгалиги аниқланади.



3-расм. Етилмаган сўрғичлар тузилиши. Бўёқ: Г-Э. X: 10x40


Патологик табақалашмаган йўлдошнинг тўлиқ бўлмаган оралик шаклида сўрғичлар пайдо бўлиш кўриниши морфологик жиҳатдан юқорида кўрсатилган формасидан фарқ қилиши аниқланди. Бунинг асосий морфологик белгиларидан бири, бу хориал пардадан таянч сўрғичларнинг кам ажралиши ва уларнинг ривожланиш даражаси бўйича иккиламчи сўрғичларга ўхшашлиги тасдиқланди. Бу турдаги сўрғичлар хориал парданинг бир жойидан бирданига бир нечтаси ажралиб чиққанлиги ва бири-бирига туташганлиги, демак, котелидонларнинг аномалия ҳолда ривожланганини тасдиқлайди. Бу турдаги сўрғичлар стромаси нозик, ёмон ривожланган, шишганлиги аниқланди. Строма таркибида толали тузилмалар тартибсиз жойлашган, хужайралари сийрак ва асосан, табақалашмаган ёш бласт хужайралардан ташкил топганлиги аниқланди. Строма таркибида капиллярлар сони ҳам кам (4-расмга қаранг), борлари ҳам строма марказий

қисмида жойлашган, диаметри ҳар хил, девори тўлиқ ривожланмаганлиги кузатилади.



4-расм. Капиллярлари кам майда сўрғичлар. Бўёқ: Г-Э. X: 10x40

Патологик табақалашмаган йўлдошнинг навбатдаги, яъни склерозланиб, хаотик жойлашган сўрғичлар кўриниши ҳомиладорликнинг 2-триместрида ривожланади ва морфологик жиҳатдан ўзига хослиги, сўрғичларнинг майдалиги, стромасининг склерозга учраганлиги, унда капиллярларнинг камлиги, синцитиотрофобластли куртакларнинг деярли йўқлиги, йўлдошнинг иккиламчи ва терминал сўрғичлар ўлчамлари меъёрга нисбатан кичик, бир-бирига яқин ва зич ҳолда жойлашган, барчасининг стромасида ҳужайраларга бой бириктирувчи тўқиманинг ўсиб кўпайганлиги аниқланади. Склерозланган строма таркибида капиллярлар деярли йўқ, борлари ҳам жуда кичик, торайган ва спазмланган кўринишда. Ярим юпқа кесмаларда микроскопнинг катта объективида кўрилганда юқорида кўрсатилган морфологик белгилар янада аниқ кўринади (5-расмга қаранг).




5-расм. Склерозланган сўрғичларнинг ярим юпқа кесмада кўриниши. Бўёқ: метилин кўки. X: 10x100

Патологик табақалашмаган йўлдошнинг тўртинчи кўриниши, яъни таркибий қисми аралаш диссоциацияланган кўриниши нисбатан кўп


учрайдиган формаси бўлиб, хомиладорликнинг 2- ва 3-триместрида, бизнинг материалимизда у, асосан, оғир формадаги преэклампсия ва қандли диабетда учраганлиги тасдиқланди. Морфологик жиҳатдан ўзига хос ўзгаришлари сифатида котелидонларнинг тартибсиз ривожланиши, етилган сўрғичлар қаторида етилмаган сўрғичларнинг мавжудлиги, улар орасида яккам-дуккам эмбрионал ва гиповаскуляризацияли сўрғичлар борлиги аниқланди (6-расмга қаранг).

Бу ўзгаришларга қўшимча ҳолда децидуал тўқима ва сўрғичлар трофобластлари кучли дистрофия жараёнига учраганлиги, сўрғичлар оралиғи бўшлиғига кўп миқдорда қон қуйилганлиги, йўлдош таркибида оқ ва геморрагик инфаркт ўчоқлари мавжудлиги аниқланади.



6-расм. Аралаш таркибли сўрғичлар. Бўёк: Г-Э. X: 10x10

«Бирламчи йўлдош етишмовчилигининг морфометрик кўрсаткичлари» деб номланган иккинчи кичик бобда йўлдошнинг макроскопик кўрсаткичларида сезиларли даражадаги ўзгаришлар юз берганлиги кузатилди, яъни вазни назорат гуруҳига нисбатан 200 грамм камлиги, ўртача 436,6 граммни ташкил қилганлиги, диаметри 19,2см, қалинлиги 2,8 см, оналик юзаси майдони 289,4 см² назорат гуруҳига нисбатан 1,5 баробарга кичиклиги кузатилади. Йўлдош бирламчи етишмаслигида хорионал структур бирликлардан ўзак сўрғичларнинг эгаллаган майдони бироз кенгайгани, яъни назорат гуруҳига нисбатан 4% ошганлиги ва ўртача $20,4 \pm 1,81\%$ ташкил қилганлиги, терминал сўрғичлар назорат гуруҳига нисбатан 10% камлиги, яъни ўртача $40,9 \pm 2,19\%$ лиги, сўрғичлар оралиғи бўшлиғи майдони кескин кенгайганлиги, яъни назорат гуруҳида 21,8% бўлса, бунда 30,5% кенгайганлиги топилди. Ушбу назорат гуруҳи ва бирламчи йўлдош етишмаслиги ҳолатидаги морфометрик ўзгаришлар график тасвирда қуйидаги тусни пайдо қилди (7-расмга қаранг).



7-расм. Йўлдошнинг структуравий бирликларининг морфометрик кўрсаткичлари

7-расм устунида назорат гуруҳига нисбатан сиёҳ ранг ва оч кўк рангли қисмлари кенгайганлиги, тўқ кўк ва яшил рангли қисмлари қисқарганлиги кузатилди. Бошқача айтганда, йўлдошнинг бирламчи етишмаслигида хорионал тузилмалар таркибида ўзак сўрғичлар ва оралиқ бўшлиқ кенгайиб, асосий функционал тузилмалар бўлган терминал сўрғичлар майдони камайганлиги йўлдош етишмаслигининг миқдорий мезонлари ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Иккиламчи йўлдош етишмовчилигининг морфологияси ва морфометрияси**» номли бешинчи боби ҳам учта кичик боблардан иборат. Биринчи кичик бобда «**Иккиламчи йўлдош етишмовчилигининг клиник-морфологик таҳлили**» бўйича маълумотлар келтирилган. Йўлдошнинг иккиламчи етишмовчилиги бўйича ўтказилган морфологик текширув натижалари асосида 124 та йўлдошлар иккита гуруҳга ажратилди: биринчи гуруҳ - 92 та, уларнинг йўлдошида яллиғланиш белгилари ва сурункали йўлдош етишмовчилиги топилганлар; иккинчи гуруҳ – 32 та, йўлдошда фақат сурункали йўлдош етишмовчилиги аниқланганлар. 1- ва 2-гуруҳ пациентларида йўлдош етишмовчилиги ривожланишининг хавfli омиллари ижтимоий-биологик ва соматик касалликлар таъсирига боғлиқлиги кузатилди. 1- гуруҳ пациентлар йўлдошида яллиғланиш ва йўлдош етишмовчилиги аниқланди, ҳомиладорликнинг 13-22-ҳафталарида ишончли даражада ҳомиладорликни кўтара олмаслик ҳолати 2-гуруҳга нисбатан юқори бўлди (1-гуруҳда $42,6 \pm 1,12\%$, 2-гуруҳда $16,8 \pm 0,23\%$). Ҳомила пардалари эпителийсида яллиғланишли ва деструктив ўзгаришлар ривожланганлигидан, амнион суюқлиги пайдо бўлиши ва сўрилиши бузилиб, қоғоноқ суви миқдорининг аномал ҳолда ўзгариши 2-гуруҳга нисбатан ($5,1 \pm 0,6\%$), 1-гуруҳда ($21,4 \pm 1,27\%$) юқори бўлди. Натижада, 1-гуруҳ пациентларда қоғоноқ сувининг ўз вақтидан олдин кетиши 2-гуруҳга нисбатан 2 баробар кўп учради ($20,3 \pm 0,17\%$ ва $11,6 \pm 0,54\%$). 1-гуруҳ пациентларда туғруқдан кейинги даврда бачадон миометрийси


қисқаришининг бузилиши, 2-гуруҳга нисбатан 2 баробар кўп учраганлиги билан намоён бўлди (1-гуруҳда $21,2 \pm 0,28\%$, 2-гуруҳда $11,8 \pm 0,45\%$).

1-гуруҳда чақалоқларнинг асфиксия билан туғилиши 2-гуруҳга нисбатан 2 баробар кўп учради ($18,4 \pm 0,21\%$ ва $9,3 \pm 0,61\%$). Чақалоқлар вазнининг 2999 грамм камлиги биринчи гуруҳда $31,5 \pm 0,24\%$, иккинчи гуруҳда эса $9,6 \pm 0,42\%$ ни ташкил қилди. 2-гуруҳ пациентлар йўлдошида компенсатор-мосланиш жараёнларининг ўз вақтида ривожланиши ва етилган йўлдошга хослиги, нисбатан етилган чақалоқлар туғилишига ва уларнинг физиологик кўрсаткичлари гестация даврига мослиги кузатилди.

Иккинчи кичик бобда «**Иккиламчи йўлдош етишмовчилигининг патоморфологик ўзгаришлари**» ҳақида маълумотлар келтирилган. Йўлдошда иккиламчи йўлдош етишмовчилигига хос ўзгаришлар сифатида, бирламчи ва иккиламчи сўрғичлар қон томирлари девори хужайраларининг пролиферацияси, ишемияга олиб келувчи томир торайиши, бириктирувчи тўқима хужайраларининг кам табақалашганлиги аниқланди. Терминал сўрғичлар таркибида чала табақалашганликларининг кўплиги, структур бирликларида дистрофия, атрофия, деструкция жараёнларининг устун туриши кузатилди. Чала табақалашган терминал сўрғичлар стромасида Кашенко–Гофбауэр макрофагларининг кўплиги, капиллярлар, синцитиокапилляр тўсиқлар камлиги, трофобластлар ҳар хил даражада табақалашганлиги сўрғичларнинг чала ривожланганидан далолат беради. Иккиламчи йўлдош етишмовчилигида йўлдош тўқимасида морфологик жиҳатдан кўпинча яллиғланиш жараёнлари аниқланади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос ўзгаришлар билан намоён бўлади. Яллиғланиш жараёни йўлдош тўқимасининг сўрғичлараро бўшлиқларида, сўрғичларнинг ўзида ва хорион пластинкасида лейкоцитларнинг эмиграцияси ва экссудация кўринишида намоён бўлганлиги тасдиқланди ва бу жараён 2 хил йўл билан – она қони ва бола қони орқали амалга ошади. Сўрғичлараро бўшлиқдаги яллиғланиш жараёни бу – она ва йўлдош қон айланиш доирасидаги қон томирларга хос ўзгаришлар билан кечадиган патология ҳисобланади, бунда бошқа тўқималардаги каби яллиғланиш жараёнида ҳосил бўладиган ва ажралиб чиқадиган экссудат ва экссудация реакцияси қон томирлардан ташқари муҳитларга тарқалмаслиги кузатилади. Йўлдошнинг гематоген зарарланишида инфекция қўзғатувчилари она қонидан спирал артериялар орқали эндометрий тўқимаси, яъни децидуал тўқимага, йўлдош тўқимасига кириб бориши ёки эндометрий қон томирлари орқали йўлдошнинг сўрғичларига ҳам тарқалиши мумкин. Бундай инфицирланиш жараёни кўпинча антенатал ҳолда юз беради. Бу ҳолатда виллузит, субхориал интервиллузит, базал децидуит ва киндик қон томирлари яллиғланиши кузатилади. Ҳомиланинг гематоген зарарланишида ички аъзолари ҳам зарарланиши мумкин, хусусан, қон билан кўп таъминланадиган аъзолар ва ташқи муҳит билан чегараланмайдиган аъзолар: жигар, буйрак усти бези, буйрак, талоқ ва бошқалар каби. Йўлдош қаватларининг инфицирланиши ҳомиланинг муддатидан илгари туғилишига ва ҳомиланинг ёки янги туғилган

чакалоқнинг инфицирланиши оқибатида маҳаллий ва тарқоқ йирингли-яллигланишли касалликларга чалинишига сабаб бўлади.


Учинчи кичик бобда «Иккиламчи йўлдош етишмовчилигида морфометрик кўрсаткичлар» ҳақида маълумотлар келтирилган. Йўлдошнинг иккиламчи етишмаслик ҳолатида йўлдош диаметри (24,7см), қалинлиги (5,2 см) ва оналик юзасининг майдони $478,4 \pm 28,3 \text{ см}^2$ ҳам сезиларли даражада катталашади. Иккиламчи йўлдош етишмовчилигида эътиборга лойиқ ўзгаришлар терминал сўрғичлар ва сўрғичлар оралиғи бўшлиқ эгаллаган майдонларнинг кескин камайиши, иккиламчи инвалютив ўзгаришлар эгаллаган майдоннинг назорат гуруҳига нисбатан 3 баробарга ошганлиги кузатилди. Морфометрик ҳисоблаш натижалари назорат гуруҳида терминал сўрғичларнинг асосий қисмини (79,4%) таркибида 5та ва ундан кўп капиллярлари мавжуд сўрғичлар эгаллашини кўрсатди. Таркибида 3та ва ундан кам капиллярли сўрғичлар ва капиллярлари йўқ сўрғичлар жуда кам миқдордалиги аниқланди. Склерозга учраган сўрғичлар эса бор-йўғи 3,6% ни ташкил қилди. Склерозланган сўрғичлар миқдори ҳам назорат гуруҳига нисбатан 2 баробар кўпайганлиги кузатилди. Йўлдошнинг иккиламчи етишмовчилигида йўлдошда ривожланадиган иккиламчи патологик ўзгаришларнинг морфометрик кўрсаткичлари ҳисобланганда шу ҳолат аниқландики, фибриноид ўзгаришлар майдони назорат гуруҳида 72,8% ни ташкил қилган бўлса, иккиламчи йўлдош етишмаслигида фибриноид ўзгаришлар майдони 2 баробар кам жойни эгаллаган, яъни ўртача 27,1% ни ташкил қилди. Некроз ўчоқлари назорат гуруҳида бор-йўғи 2,85% бўлса, йўлдошнинг иккиламчи етишмовчилигида 30,85% жойга тарқалганлиги аниқланди (8-расмга қаранг). Назорат гуруҳида яллигланиш жараёни учрамаганлиги кузатилса, иккиламчи йўлдош етишмовчилигида 22,9% жойда яллигланиш инфильтрати борлиги аниқланди.




8-расм. Йўлдошнинг иккиламчи патологик ва инвалютив ўзгаришларининг морфометрик кўрсаткичлари

Диссертациянинг «Йўлдошнинг бирламчи ва иккиламчи етишмовчилигини математик моделлаштириш» деб номланган олтинчи бобида морфологияда кўп сонли структур элементлардан иборат тўқима ёки орган математикада «тизим», яъни «биологик мажмуа» дейилади. Ҳар қандай мажмуанинг ички тузилиши учта омилдан иборат: элементларнинг сифати, сони ва ўзаро структур муносабати. Йўлдош махсуслашган кўп тармоқли жараёнларни ўзида жам қилган биологик мажмуа бўлиб, хомиладорлик пайтида ташқи ва ички муҳит омиллари билан ўзаро муносабатда бўладиган бир бутун орган ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган структур тузилмалардан келиб чиққан, йўлдошнинг кўп тармоқли функционал хусусиятларини битта сифатий текширувлар тўлиқ очиб бера олмайди. Шунинг учун уларни тўлиқ ёритишда морфометрия ва математик моделлаштириш усулларида ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунинг учун назорат гуруҳи, бирламчи ва иккиламчи етишмовчилиги ҳолатларида йўлдошда ривожланадиган морфометрик кўрсаткичлардан қуйидаги кўрсаткичлар олинди ва бир-бири билан таққослаш осон бўлсин деб, ҳамда бу морфометрик кўрсаткичлар асосида йўлдошни ўрганиш алгоритми тузилди (9-расмга қаранг). Кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат бўлди: ўзак сўрғичлар; терминал сўрғичлар; оралик бўшлиқ; иккиламчи ўзгаришлар; капиллярли сўрғичлар; капиллярсиз сўрғич; табақалашмаган сўрғич; склерозланган сўрғичлар; некроз ўчоқлар; яллиғланиш ўчоқлари; кальциноз ўчоқлари. Меърий йўлдошда тўппончанинг дастаси етарли даражада қалин, нишонга олувчи мушқаси ингичка ва узун, тепкиси ҳам аниқ кўринишда учи ўткир шаклга эгаллигини кўриш мумкин.


Йўлдошнинг бирламчи етишмовчилигида моделлаштирилган тасвирий кўрсаткичдаги тўппонча шакли кескин ўзгаришга учраганлиги кузатилди. Тўппончанинг дастасини пайдо қиладиган тузилмалар, яъни ўзак сўрғичлар миқдорининг кўпайиши, терминал сўрғичларнинг камайиши ва сўрғичлар оралиғи бўшлиғининг кенгайиши ҳисобига тўппонча дастаси кескин кенгаяди. Капиллярга бой, яъни 5та ва ундан кўп капиллярли сўрғичлар миқдорининг кескин камайиши тўппончанинг нишонга олувчи мушқасининг калталаниши билан намоён бўлади. Йўлдошда капиллярсиз ва табақалашмаган сўрғичларнинг пайдо бўлиши тўппонча тепкисининг ўз жойидан олдинга сурилиши ва қалинлашиши билан намоён бўлади.



Меёр



Бирламчи йўлдош етишмаслик



Иккиламчи йўлдош етишмаслик

9-расм. Йўлдошнинг меъерий, бирламчи ва иккиламчи етишмовчилигининг математик моделлаштирилган тасвири.

Йўлдошнинг иккиламчи етишмовчилигида моделлаштирилган тасвирий кўрсаткичдаги тўппонча шакли яна ҳам деформацияга учраганлиги кузатилади. Сўрғичлар оралиғи бўшлиқнинг камайиши тўппонча дастасини ўткир учбурчакка айлантиради. Йўлдош тўқимаси таркибида иккиламчи ўзгаришлар микдорининг кескин кўпайиши тўппончанинг нишонга олувчи мушқасини қалинлаштиради ва калталаштиради. Йўлдош таркибида склерозланган сўрғичлар ва барча турдаги иккиламчи патологик ўзгаришлар микдорининг кўпайиши, яъни фибриноид, некроз, яллиғланиш ва кальциноз ўчоқлари микдорининг ошиши тўппонча тепкисининг кескин қалинлашиши ва узунлашишига сабаб бўлади.

ХУЛОСАЛАР

«Йўлдош етишмовчилигининг турли формаларини патологоанатомик ташхислаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Йўлдош етишмовчилигининг турли формаларини патологоанатомик ташхислаш асосида қуйидаги хулосаларга келинди: назорат гуруҳи йўлдош структур бирликларининг 16,0%- ўзак, 50,8%- терминал сўрғичлар, 11,4% - инвалютив ўзгаришлар ва 21,8% -оралиқ бўшлиққа тўғри келганлиги, терминал сўрғичлардан 67,5% -5тадан кўп капиллярли, 21,7% -5тадан кам капиллярли, 10,8% -капиллярсиз сўрғичлардан иборатлиги, уларнинг 38,7% да синцитиотрофобластли тугунчалари мавжудлиги, сўрғичлар стромаси- 83,8%, трофобластлари- 16,2% жойни эгаллаганлиги тасдиқланди.

2. Йўлдошнинг бирламчи етишмовчилигида йўлдош структур бирликларининг гипоплазия, дисплазия, патологик формада шаклланиши билан, йўлдошнинг тузилиши, жойланиши, бачадонга бирикиши, котеледонлар ва сўрғичлар аномалияси ва васкуляризацияси бузилиши билан давом этиб, патологик табақалашмаган йўлдош кўринишида намоён бўлади ва эмбрионал сўрғичлар сақланиб қолиши, тўлиқ ривожланмаган сўрғичлар, склерозланган, хаотик жойлашган сўрғичлар ва аралаш таркибли шакллари учрайди.

3. Иккиламчи йўлдош етишмовчилиги патогенези сифатида бачадон-йўлдош қон айланишининг бузилиши, йўлдошда инфаркт, сўрғичлар тўлақонлиги, фибриноиднинг кўплиги, амнион пардалари ва йўлдош сўрғичларининг яллиғланиши оқибатида ҳомиладорликнинг узилиш хавфи, клиник жихатдан ҳомила ривожланишининг орқада қолиши билан юзага чиқади. Оқибатда сўрғичларда стромаси ривожланмаган, капиллярлари кам, синцитиокапилляр тўсиқ пайдо бўлмаган, юзасидаги трофобластлар ҳам чала ривожланган, Кащенко–Гофбауэр макрофагларининг кўплиги кузатилади.

4. Меъерда йўлдошнинг 11та морфологик белгилари микдорий кўрсаткичлари асосида моделлаштирилган тасвирий кўрсаткични тўппонча шаклига таққослаш мумкин. Йўлдошнинг бирламчи етишмовчилигида ўзак

сўрғичлар миқдорининг кўпайиши, терминал сўрғичлар камайиши ва сўрғичлар оралиғи бўшлиғининг кенгайиши ҳисобига тўппонча дастаги кескин кенгаяди. Капиллярга бой, яъни 5 та ва ундан кўп капиллярли сўрғичлар миқдорининг кескин камайиши тўппончанинг нишонга олувчи мушқасининг калталашуши, йўлдошда капиллярсиз ва табақалашмаган сўрғичларнинг пайдо бўлиши тўппонча тепкисининг ўз жойидан олдинга сурилиши ва қалинлашуши билан намоён бўлади.

5. Йўлдошнинг иккиламчи етишмовчилигида моделлаштирилган тасвирий кўрсаткичдаги тўппонча шакли яна ҳам деформацияга учраганлиги кузатилади. Сўрғичлар оралиғи бўшлиқнинг камайиши тўппонча дастагини ўткир учбурчакка айлантиради. Йўлдош тўқимаси таркибида иккиламчи ўзгаришлар миқдорининг кескин кўпайиши тўппончанинг нишонга олувчи мушқасини қалинлаштиради ва калталаштиради. Йўлдош таркибида склерозланган сўрғичлар ва барча турдаги иккиламчи патологик ўзгаришлар миқдорининг кўпайиши, яъни фибриноид, некроз, яллиғланиш ва кальциноз ўчоқлари миқдорининг ошиши тўппонча тепкисининг кескин қалинлашуши ва узунлашушига сабаб бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 04/30.12.2019.Tib.30.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

САНОЕВ БАХТИЁР АБДУРАСУЛОВИЧ

**ПАТОЛОГОАНАТОМИЧЕСКАЯ ДИАГНОСТИКА РАЗЛИЧНЫХ ФОРМ
ПЛАЦЕНТАРНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ**

14.00.15 – Патологическая анатомия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.2.PhD/Tib 1201.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ташкентской медицинской академии (www.tma.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Исроилов Раджаббой**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Турсунов Хасан Зияевич**
доктор медицинских наук, профессор

Рузиев Шерзод Ибодуллаевич
доктор медицинских наук

Ведущее учреждение: **Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc. 04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109 Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, дом 2. Зал заседаний 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №____). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, дом 2. Ташкентская медицинская академия, 2-учебный корпус, крыло «Б», 1 этаж, 7 кабинет. Тел/факс: (+99878) 150-78-25.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2021 года
(реестр протокола рассылки №_____ от «_____» _____ 2021 года).

Г.И. Шайхова
председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Ш. Алимухамедов
учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Р.Дж. Усманов
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и значимость темы диссертации. У всех млекопитающих, включая человека, плацента является промежуточным органом, которая с помощью ферментов материнского организма обеспечивает метаболизм организма плода, то есть кислород и все питательные вещества попадают в плод через кровь матери, «...плацента формируется в организме матери во время беременности в качестве провизорного органа, развитие и патогенез которого зависит от имеющихся заболеваний у матери...»¹. Плацентарная недостаточность (ПН) — синдром, обусловленный морфофункциональными изменениями в плаценте, при прогрессировании которых замедляется рост плода и развивается гипоксия. По этой причине совершенствование диагностики различных форм плацентарной недостаточности в период беременности у женщин считается одной из проблемных задач современной патоморфологии.

Во всем мире проводятся ряд научных исследований, направленных на совершенствование патологоанатомической диагностики различных форм плацентарной недостаточности. В этой связи особое значение имеет проведение исследований, направленных на создание алгоритма, используемого при оценке состояния плацентарной недостаточности на основе гистотопографического и морфометрического состояния ворсинок родившийся в срок плаценты, патоморфологических изменений первичной плацентарной недостаточности и морфометрических показателей, патоморфологических и морфометрических показателей вторичной плацентарной недостаточности, морфологических изменений и морфометрических показателей первичной и вторичной недостаточности плаценты.

В нашей стране особое внимание уделяется качественную, в частности, на эффективную диагностику, терапию и профилактику осложнений хирургической практики гинекологических заболеваний женщин, возникающих в результате различных заболеваний. Согласно Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. Определены задачи по «...повышению доступности и качества оказания специализированной медицинской помощи, реформированию системы скорой и экстренной медицинской помощи, профилактики инвалидности...»². Исходя из этого, одним из актуальных научных направлений является выполнить эффективную диагностику путем оптимизации патологоанатомической диагностики различных форм плацентарной недостаточности в период беременности и после беременности в результате различных заболеваний, встречающихся у женщин.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5590 «О комплексных

